

# ЎЗНОМСИ

## ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КАТТА

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов 14 март куни Оқсаройда Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Шавкат Азизни қабул қилди.**

Сизнинг ушбу ташрифингизга Ўзбекистон-Покистон муносабатлари ривожланиб бораётганининг яна бир белгиси сифатида қараймиз, - деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари неча асрлардан бери ўзаро алоқада бўлиб келган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу муносабатлар янги мазмун касб этди. Тошкент билан Исламобод ўртасида мустақам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрғазини мамлакатлари билан, Покистон учун Эса Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни кенг ривожлантириш имкониятларини очди. Ўзбекистон Президентини Ислам Каримовнинг 2006 йил май ойида Покистонга,

Покистон Президенти Парвез Мушаррафнинг 2005 йил март ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама ҳамкорликни замон талаблари ва миллий мафлаатларга мос тарзда ривожлантириш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

Дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани инобатга олинса, Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига тўлашувидан мафлаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Арабистон денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам мафлаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон худудидаги

нефт-газ конларини қидириш ва ўрганишга жиддий қизиқиш билдирмоқда. Шунинг учун Исламободда Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига катта қизиқиш билан қаралади. Бу Покистон товарларининг (пластмасса товулар, чарм ва картондан ясалган маҳсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилган бўлар эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорт ҳажмининг (пахта, полиэтилен, суулотилган газ, кабел, минерал ўғитлар, галла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Икки томон ҳамкорликнинг истиқболли порлоқ, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда кўшма корхоналарни қўйиштириш мумкин. Ўзаро савдо-сотиқ ва сармовий

ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида Тошкентда Покистон Миллий банкининг филиалини очиб масалаларни кўриб чиқилмоқда. Ўзбекистондаги мавжуд қўлай сармовий муҳит покистонлик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини тобора оширмоқда. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармовий иштирокида тузилган қирққа яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар ишлаб чиқарган товарлар ва курсатган хизматларнинг йиллик ўртача қиймати 20 миллиард сўмга, экспорт ҳажми 4 миллиард АҚШ долларига етади.

Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустақамлаш учун яхши омил бўлмоқда. Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистон ва Покистонда ўтаётган турли халқаро маданий ва санъат фестивалларида, жумладан, ҳар икки йилда Самарқандда бўладиган "Шарқ тароналари" халқаро

музыка фестивалида, илмий-маърифий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, қўлҳамаларни тадқиқ этмоқдалар. Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини янада кенгайтириш имкониятлари кўп.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида барча соҳалар, жумладан, ўзаро савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни янада мустақамлаш ва кенгайтириш борадида мавжуд имкониятлардан тўлақон фойдаланиши, шунингдек, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашини қўйиштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Мамлакатимиз кон-металлургия саноати корхоналарининг бир гуруҳ ходимларини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга, республикамиз кон-металлургия саноатини ривожлантиришга қўлган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

- «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»**  
**Бредихин Александр Алексеевич** - Навоий кон-металлургия комбинатининг автомобил транспорт бешқармаси бошлиғи  
**Золотарев Юрий Петрович** - Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бешқармаси директорининг фосфорит ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари  
**Иргашев Таир Асатович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг электрда пўлат эритиш цехи катта устаси

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН КУРУВЧИ»**

- Эшанкулов Абдушукур Гафурович** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти «Олмалик металлургия-қурилиш» бешқармасининг участка бошлиғи  
**Кўп йиллик самарали меҳнати ва мамлакатимизнинг иқтисодий кудратини юксалтириш, республикамиз кон-металлургия саноатида илгор технологияларни жорий этиш ва ўзлаштириш ишида эришган ютуқлари, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик фазилатларини намойён этганликлари ҳамда миллатлараро тинчлик ва товуликни мустақамлашдаги ибратли фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:**

- «МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Авезов Наримон Назарович** - Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бешқармасининг 39-қурилиш-монтаж бешқармаси бошлиғи  
**Алиматов Омонбек Давронбекович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-навли прокат цехи катта устаси  
**Ахметов Анвар Мухитдинович** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Мис эритиш заводининг металлургия цехи эритувчиси

- Иманов Собирали Холматович** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг «колмак» кон бешқармаси кон устаси  
**Пятков Владимир Владимирович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг «Навоий машина-созлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси монтажчиси  
**Раҳимов Гаухарбек** - Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон қурилиш бешқармаси бош муҳандиси

- «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**  
**Байрамов Куджат Сеферович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг «Мурунто» кони буғулаш участкаси машинисти  
**Джураев Бахтиёр Давракулович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг Зарафшон қурилиш бешқармаси монтажчиси  
**Коробов Юрий Валентинович** - «Олмалик кон-металлургия комбинати»

- «ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**  
**Атгамов Акрамхон Турсунходжаевич** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Рух заводи директори  
**Булатов Рашид Юнусович** - Навоий кон-металлургия комбинати Зарафшон қурилиш бешқармасининг участка бошлиғи  
**Джамалдин Абдухасанович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-навли прокат цехи вальцовочиси  
**Евтев Василий Владимирович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг «Мурунто» кони чилангори

- Кудинов Александр Михайлович** - Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бешқармаси директорининг капитал қурилиш бўйича ўринбосари  
**Масалиев Нуриддин Колдаевич** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Ангрэн кон бешқармасининг Кунбулоқ шахтаси участка бошлиғи  
**Нармуратова Клара Хажимбаевна** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Рух заводининг кимёвий лабораторияси лаборанти

- Нурматов Иномжон Раҳимбекович** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мартен цехи пўлат эритувчиси  
**Радионова Любовь Анатольевна** - «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси марказий лабораторияси етакчи муҳандиси  
**Раҳимов Уйғун Бозорович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг «Саноатэлектрмонтаж» трести электр монтажчиси

- Сайдирахимова Хурнира Раҳимова** - «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти Мис бойитиш фабрикасининг фильтрловчиси  
**Саҳатов Исмаилов Саматович** - Навоий кон-металлургия комбинатининг темир йўл транспорт бешқармаси тепловоз машинисти  
**Шоназаров Хажназар Шадинович** - Навоий кон-металлургия комбинати 2- Гидрометаллургия заводининг тегиримон машинисти

Ўзбекистон Республикаси Президентини  
И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 14 март

**Фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг юртимизга ташрифи Сурхондарёдан бошланади. Юна табиат ашиликка бурканиб, чор-атроф ажиб гўзаллик касб этади. Эл-улус бободехон ҳақиқа жонлик сўйиб, ерга барака уругини сепеди. Сулув келинчақ ва қизлар юзидан нур ёғилиб турган момолар бошчиларда дошқозонларда ҳалим ва сумалаклар пишириб, хонадонларга улашилади. Яқка-ёғиз кексалар, ноғирон ва кўнгли ўксик инсонлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади.**

Бундай савобли тадбирларда вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фаол иштирок этмоқда. Тармоқ кенгашлари ва вакилликларидан тортиб бошлангич касабаси уюшма кўмиталаригача алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Касабакўмлар ташаббуси ва савий-ҳаракати билан ҳар бир ташкилот ва корхона, ма-

лашмаси раиси Абдукарим Аҳмедовнинг таъкидлашича, Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз умумхалқ байрами ҳамда Хотира ва Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилади. Шунингдек, илгор ўқитувчи ва мураббийлар, кам таъминланган оилалар вакиллари, меҳнат қилётган ноғирон ходимлар-

дейди туман халқ таълими бўлими мудири Суюн Мавлонов.

Ҳадиси шарифда «Эзгуликка шошилганлардеган давбат бор. Баҳор барчани яхшиликка чорламоқда. Таълим ва фан ходимлари вилоят кенгаши фаоллари ҳам Наврўз арафасида қатор саховат тадбирларини ўтказишга бел боғлашган. Жумладан, Шўрчидаги ақли заиф болалар мактаб-интернати ва Бойсундаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилади. Шунингдек, илгор ўқитувчи ва мураббийлар, кам таъминланган оилалар вакиллари, меҳнат қилётган ноғирон ходимлар-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**Ҳўжалик субъектлари томонидан ишлаб чиқариш мунтазам модернизациялаш, техник ва технологик жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардор, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илгор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадида:**

1. Ҳўжалик юритувчи субъектларга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг объекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорига, тегишли ҳисобот дари учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинмаган солиқ базасини камайтириш ҳуқуқи берилсин.
2. Ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солигидан озод этилсин.
3. Солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани харид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига тенг, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирилган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилсин.
4. Белгилаб қўйилсинки: ушбу Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб наваб-

тадқиқ этилсин. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда 2007 йил 1 апрелда бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси худудидаги олиб киришда божхона тўловларидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар рўйхатини тасдиқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда ўрнатилган тартибда мазкур Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа мафлаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юксансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 14 март

## ВОҲАДА БАҲОР



ҳаллаларда оммавий хашарлар уюштирилиб, чор-атроф ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дархат қўчатлари ўтказилмоқда. Саховатпеша, савобталаб элдошларимиз кўмагида ёғиз қариялар ва боқувчисини йўқотган оилалар яшаётган уйлар қайта таъмирлаб берилмоқда. Шунингдек, Боботог, Ҳисор ва Бойсун тоғлари ён-бағирларида янги-янги боғлар барпо этилмоқда. Аср иншоотлари — Тошғузар—Бойсун—Қумқўрган темир йўли ва Тўпаланг сув омбори қурилиши тугаланиши, рангли металлургия бой бўлган Хонжиза ерости бойликлари қайта ишланадиган саноат корхонаси қурилиши эса бошланиш арафасида.

Вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бир-

га совға-саломлар, пул мукофотлари берилди. — Яқинлашаётган байрамларда ишлаётган ёш болали ва ҳомилдорлик таътилида бўлган хотин-қизлар, илгор ишчи-ҳодимларга моддий кўмак беришни режалаштирганмиз, — деди «Термиз пахта» очик турдаги ҳисадорлик жамияти раиси Неймат Тиловова. — Термиз шаҳридаги 100 оилага ҳам саховат ёрдами кўрсатамиз. Бундан ташқари, 70 нафар ноғирон ўғил-қиз, шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандларига кийим-бош ва дарсликлар олиб берамиз.

Сурхондарёда қўли очик, савобталаб инсонлар кўп бўлиб топилади. Деновлик фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев, жарқўрғонлик Чор Чўпўлатов, Неймат Аҳадов, узунлик Нусратулла Шоймардонов, сариосиёлик Абдуғаффор Аҳмедов, кўмқўрғонлик Зумрад Хайитова, Жўра Менглибоев, Файзи Маматмуродовлар шундай одамлар сирасидан. Улар кўмакка муҳтож кишиларга бегараз ёрдам кўрсатишни ўзлари учун чинакам инсоний бурчга айлантиришган. Бу қалби дарё инсонлар айна дамларда саховат ишларига бутун борлиги билан киришишган.

қизгин давом этмоқда. Кўп болали, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, фахрийлар, ноғиронлар, боқувчисини йўқотган ёғиз фуқароларга касабаси уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам берилди. Наврўзга пешвоз чиқётган элимиз байрам шодиёналарида қадимий спорт ўйинлари—кўпкари, кураш мусобақаларини томоша қилишди, — дейди Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов.

қизгин давом этмоқда. Кўп болали, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, фахрийлар, ноғиронлар, боқувчисини йўқотган ёғиз фуқароларга касабаси уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам берилди. Наврўзга пешвоз чиқётган элимиз байрам шодиёналарида қадимий спорт ўйинлари—кўпкари, кураш мусобақаларини томоша қилишди, — дейди Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов.

қизгин давом этмоқда. Кўп болали, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар, фахрийлар, ноғиронлар, боқувчисини йўқотган ёғиз фуқароларга касабаси уюшма маблағлари ҳисобидан моддий ёрдам берилди. Наврўзга пешвоз чиқётган элимиз байрам шодиёналарида қадимий спорт ўйинлари—кўпкари, кураш мусобақаларини томоша қилишди, — дейди Сурхондарё вилоят касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Абдукарим Аҳмедов.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ишон» муҳбири



**«ЗАРАФШОН» ҚЎРИҚ ХОНАСИ**

Юртимизнинг гўзал гушаларидан бири — Жомбой туманидаги «Зарафшон» қўриқхонаси 2352 гектар майдонни эгаллайди. Қўриқхона бой ҳайвонот ва наботот дунёсига эга бўлиб, бу ерда 217 турдаги дарранда, 24 турдаги сўт эсимувчи, 30 турдаги ҳайвон ҳамда 300 турдан зиёд ўсимликлар мавжуд.

Суратда: Жомбой туманидаги «Зарафшон» қўриқхонаси илмий ходими, биология фанлари номзоди Наталья Марзаминская.

Т. НОРКУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

**Ширкат ҳўжаликлари тугатилиб, улар негизда фермер ҳўжаликлари ташкил этилганлиги туғайли жойлардаги касаб ва ушма ташкилотлари тизими ҳўжаликларда рўй берган ўз ариш арга мослаштирилмоқда. Ҳар бир фермер ҳўжалигида касаб ушма ташкилоти тuzилимоқда. Бу ишларни амалга ошириш учун агрофирма ва МТПларда касаб ушмаси туман кенгашининг вакиллик тизими жорий этилди.**

Туман касаб ушма кенгашининг вакиллари фермер ҳўжаликларида касаб ушма ташкилотлари тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш билан шуғулланишмоқда. Масалан, аввалги йилларда фермер ҳўжаликларида айланттирилган мажхуд 9 та агрофирма ва МТП лардаги туман касаб ушма кенгаши вакили ўрнида бошлангич касаб ушма кўмиталари тузилди. Фермер ҳўжаликларида иш ўрнини кенгайтириш ҳисобига аззолар сони 10649 нафарга етди. Касаб ушма аззолари эҳтиёжини қондириш, моддий-маънавий манфаатдорлигини ошириш, иш ҳақи, дам олиши ва меҳнат муҳофазаси каби қатор ижтимоий имтиёзлардан фойдаланишларда жамоа шартномаларидан унумли фойдаланишмоқда. Жумладан, 66 кишига дори-дармонлар билан

боғлиқ сарф-харажатлар ҳўжалик, фермер, корхона маблағлари ҳисобидан қопланди. 7 та корхонада 12 нафар ишловчи аёлларга

## БОШ ВАЗИФА — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

белгиланган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътил кунлари узайтирилди. Фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача тўлгунга қадар таътилда бўлган 92 нафар аёлларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Ишлаб чиқариш жабҳаларида меҳнатқашларга қўлай иш шaroити яратиш, меҳнат мусобақалирини ташкил этиш йўлга қўйилиб, айниқса, ишчи-ҳодимлар кийим-бош, иссиқ оватқат билан таъ-

### Етакчи минбари

минланганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Меҳнатқашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олидириш диққат-эътиборимизда бўлмоқда.

Фермер, ташкилот ва корхона маблағи ҳисобидан болажонлар сихатгоҳ-

рига мувофиқ фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун 10 дан ортиқ ҳўжалик ва ташкилотларда далолатномалар тузилди. Иш ҳақининг тўлинишида йўл қўйилган қонун бузилишларга чек қўйилди.

Касаб ушмаамиз широкта ифода этилганидек «Инсонга наф келтириш — олий бахт». Шундай экан, ижтимоий ҳимоя йилида эл манфаати йўлида қайғуриш бундан кейин ҳам бош йўлимиз бўлиб қолади.

**Одилжон ҚОДИРОВ,**  
**Чортоқ туман**  
**агротасолат мажмуи**  
**ҳодимлари касаб**  
**ушма кенгаши раиси**

### Долзарб мавзу

**Фермернинг аграр тармоқда етакчи куч бўлиб майдонга келгани ҳақиқат. Жиззаҳ вилоят қишлоқ ҳўжалигида ҳам маҳсулот етиштириш асосан уларнинг улушига тўғри келмоқда. Фермерлик ҳаракати бундан бундан янада ривожланиб, тақомиллашиб бораверади.**

Ислохотларнинг иккинчи босқичида «Ер кодекси», «Қишлоқ ҳўжалик оперативни (ширкат ҳўжалиги) тўғрисида», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Дехқон ҳўжалиги тўғрисида» қонуналар ва тегишли ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди.

Бундай ҳуқуқий базанинг яратилиши иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга замин яратди. Қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг халқаро андозалар ва халқимизнинг тарихига мос келадиган — ширкат, фермер ва дехқон ҳўжаликларидан иборат модели танланди.

Очигини айтганда, фермер ҳўжаликлари аззолари, ҳатто уларнинг раҳбарларига ҳам ҳуқуқий саводхонлик бугунги кун талабига жавоб бермапти.

**ролар йғини ҳудуддаги деҳқон ҳўжалиги бошчилиги:**

— Ёшим саксондан ошарти. Суягим меҳнатда қотган. Меҳнат қилиб сира кам бўлмадим. 1,5 гектар ерим бор. Қишлоғимизда мен каби деҳқон ҳўжалиги юртаётганлар 76 нафар. Ҳар йили ҳўжалигимизда етиштирилаётган маҳсулот дастурхонимизни безайди, катта манфаат топамиз. Бугун экин майдонидан йилга 3 миллион сўмлик даромад оламиз. Йиғилишларнинг кўпинчи қўрғанман. Лекин ҳуқуқшуносларнинг оқдйи, содда тилда бераётган тушунарларини тинглаб, рости, баҳри дилим очилди. Кўп нарсга ўргандим. Айниқса, ҳўжаликни кредитлаш, сугурталаш, солиққа тортиш сингари ҳуқуқий билимлар қизиқтириб қўйди. Саволларга мутахассислардан аниқ жавоблар олдим, ўз

## ЕР ЭГАСИ ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН БЎЛАДИ



Ана шуни эътиборга олиб, вилоят Адлия бошқармаси солиқ, молия, банк тизимлари, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг қисқа муддатли семинар-мунозараларини ўтказишга қарор қилди. Ҳозиргача жойларда юздан ортиқ маърузалар тингланган. Шуниси эътиборлики, машғулотлар шунчаки расмийлик учун эмас, балки жонли, амалий мулоқот, суҳбат, савол-жавоблар билан ўтказилаётганини кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Шу ўринда фермер, дехқон ҳўжаликлари раҳбарларининг фикрига қўлоқ тутиб кўрсак.

**Рустам Утабоев, Арнасой туманидаги «Лочин» фермер ҳўжалиги раҳбари:**

Туманимиздаги иқтисодий касб-ҳунар коллежи биносида ташкил этилган семинарда 700 дан ортиқ фермер ҳўжаликлари раҳбарлари бевосита иштирок этишди. Фермерликда ўн йилдан ортиқ тажрибам бўлса-да, айрим ҳуқуқий масалаларда янада чуқурроқ билимга эга бўлдим. Иш бериш ва ҳодим ўртасидаги меҳнат муносабатлари, уларни расмийлаштириш, меҳнат, жамоа шартномалари тузиш сингари қўлпаз зарур маълумотлар билан яқиндан танидим. Эндиги вазифа олган билимларни ҳаётга татбиқ этиш.

**Эгам ота Самадов, Пахтакор туманидаги «Олмазор» қишлоқ фука-**

навбатда фикримни йиғилганлар билан ўртоқлашдим.

Беш кунлик семинар-мунозараларда ўн мингга яқин фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг иштирок этиши режалаштирилган эди.

Айниқса, Давлат нотариал идоралари ҳодимларининг чиқишлари кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Дўстлик, Мирзачўл, Зомин туманлари Давлат нотариуслари Ж.Юсупов, С.Қодирқулов, Г.Зулуновларнинг «Фермерларнинг қонуний ҳуқуқлари, улардан фойдаланиш йўллари», «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»-ги қонун мазмуни ва моҳияти, «Шартномавий муносабатларни тақомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларда бўйича қабул қилинган мажбурийларнинг баҳарлигини учун жаобгарлик» мазмундаги чиқишлари тингловчилар томонидан илиқ қарши олинди.

Ер эгаларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар аграр тармоқни янада ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

**Ҳасан ИБРАГИМОВ,**  
**Жиззаҳ вилоят Адлия бошқармаси**  
**нотариал ва адвокатура бўлими етакчи маслаҳатчиси**

### Ибрат

## ТУҲФА

**Бувайда туманидаги педагогика коллежида мингга яқин ўғил-қизлар таҳсил олади. Утган йили ёзда коллежда «Нуроний» жамғармасининг вилоят семинари бўлиб ўтган эди.**

Семинарда тўплаган кексалар ўқув юрти ҳудудда қўрқам, мевали боғ ташкил этишни маслаҳат беришди, — дейди коллеж директори Раҳима Қўрғонова. — Бу йил 4 гектар ерни боғ қилиш учун тайёрландик. «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Усмон ота Бегматовнинг ёрдами билан Қува туманидан икки минг тулға яқин ўрик, шафтоли, бодом, хурмо кўчатлари сотиб олдик. «Нуроний» жамғармаси бўлими даргоҳимизда ташкил қилинаётган бошқа кўчат олиш учун 300 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатди.

Яқинда Усмон ота Бегматов бир гуруҳ нуронийлар билан коллежга келди. Улар иштирокида янги боғда мева кўчатлари экилди. Фахрийларнинг бу ташаббуси ёшларда катта таассурот қолдирди.

**Улугбек ИБОДИНОВ,**  
**«Ишонч» муҳбири**

Бундайлар миссионерлар учун жуда яхши улоқ. Улар бундай инсонларни асосан мусулмонларнинг фарзандлари орасидан кидиришади. Ана шундай эътиқодда тайинсиз ёшларни пулга сотиб олишди-да, сўнгра фалончи мусулмоннинг ўғли ёки қизи фалон динга ўтди, деб жабр солишади. Таниш-билишларим ва қариндosh-уруғларим яшайдиган қўшни давлатлардан бирида ана шунинг оқибатида юзага келган ҳолатдан азоб чекаётган бир неча оилани биламан. Ота-оналар бошқа динда, фарзандлар бошқа динда. Улар нафақат бир-бирларини тушунмайдилар, балки бир-бирларига қарши ҳатти-ҳаракатлар қилишади. Миссионерлар асосан ёшларни пул бериб йўлдан оздиришади. Қарабиски, фарзанд ота-онага ёв бўлиб қолади. Эҳтимол бундайлар бизда ҳам бордир. Чунки миссионерлар яширин равишда иш олиб борадилар. Эътиқодда тайинсиз ёшлар бизда йўқ дейсизми?..

Эки, улар билиб-билмай тузоққа тушиб, ивгонинг қурбони бўлиб қолишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Хабарингиз бор, ўтган йили эътиқод эркинлиги масаласида Ўзбекистонга асосиз тўхмат қилинди. Ушанда мен уйдирмадаги даъволар билан танишиб чиқиб хайратда қолганман. Жумладан, унда айтилишича, ўзбек миллатига мансуб протестант гуруҳларнинг аззолари хабарларига қараганда, улар таъкиб ва қўрқув муҳитида ҳаракат қилишаётганмиш. Мантиқан ўйлаб кўринг: хўш, кимнинг таъкибига учраб, кимдан қўрқишлари мумкин? Улар ҳукуматдан ёки ҳуқуқ-тартибот идораларидан эмас, балки ўз ота-оналари, ака-укалари ва қариндosh-уруғларидан қўрқишлари мумкин. Узингиз ўйлаб кўринг, қайси ота-она ўз фарзанди авлод-аждодни динига хиёнат қилиб, ўзгалар ноғорасига ўйнашини хоҳлайди? Ҳеч қачон бунга йўл қўймайди. Чунки протестантлик бизнинг миллатимизга, бизнинг миллий ва маънавий қадриятларимизга бутунлай ёт. Эътиқод эркинлиги ниқоби остида кўнгил истасан номатқулчиликни қилиш, ҳавсизлик ва одобсизлик, ҳар хил диний конфессиялар ва оқимлар таъсирида ёмон йўлга кириш ҳамда динлар ўртасида қарама-қаршилиқни кучайтириш ва бундан фаразли мақсадларда фойдаланиш — булар сохта демократлар гоёсига хос ва мос бўлиб, аслида мунофиқона сиб-сатга хизмат қилади.

Биз шу пайтгача демократиянинг даражасини баҳолайдиган даҳолар турли стандартларни ишлаб чиқишганини ва улар бу стандартларни ўз манфаатларидан келиб чиқиб қўлшларини яхши билардик. Шововизлар, энди дунё халқларининг эътиқодлари даражасини ўлчайдиган стандартларни ҳам ишлаб чиқишди.


Кимлар, қайси миллат вакиллари қандай динга, қай даражада эътиқод қиладилар ва бунга қайси давлат қай даражада, қандай йўллар билан тўқсинлик қилади?

Умуман, диний эътиқод бора-бора қайси давлатни «эркин», қайси давлатни «чала эркин» ва қайсинини «эркин эмас» деган тоифага киритиш мумкин? Эки, кимга «рахмат» айтиб, кимга тош отиш керак? Айтгандай, қаерда «яширин» масжидлар бор ва қаерда ҳаққоний йўл билан диний илм олиш таъқиқлаб қўйилган? Дарвоқе, қайси давлатда ўз авлод-аждоди динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилганлар қандай таъкиб этилади? Эътиқод эркинлиги устидан ҳакамликни даъво қилаётган шововизлар бу каби қўлдан-қўл саволларга доим ўз

стандартларидан келиб чиқиб жавоб топадилар. Уларга эса ўзларининг қайси стандартларга тўғри келасанлар, дейдиган одам йўқ.

Ана шундай стандартларни ишлаб чиққанлар эътиқод эркинлиги масаласида ўтган йили бизнинг мамлакатимизни «эркин эмас» деган тоифага киритиб қўйишди. Ажабо, биз мустақилликдан кейин юртимиз мусулмонбод бўлди. Мансабу мавқеи-мизда қатъи назар бошимиз саждага тегиб деб, масжиди турли диний маросимларга қайтиб, муқаддас динимизни қўл гавҳаридек асраб-авайлаб юрсак-у, кимлар бизнинг устимиздан ҳукм чиқаришса?! Шунингдек, бизда диний адабиёт сотиш ва тарқатиш таъқиқланганмиш. Билмадик, кимнинг маълумотига ёки қайси қарағайнинг ивгонига асосланганмиш, аммо Тошкент шаҳридаги ва бошқа жойлардаги ҳар бир масжид олдида, кўча-қўйдаги китоб дўконларида диний адабиётлар бемалол сотилаётганини ҳамма билади. Энди биздаги «яширин» масжидларга келсак, бу ҳам қайт ивго. Мамлакатимизнинг қайси шаҳар ва қишлоқларида бўлсанг, катта-кичик масжидларнинг ҳаммаси очик. Айрим хонадорларда бир оила аззоларининг ёки бир неча кишининг биргаликда намоз ўқийдиган жойи «яширин» масжид эмас, ҳужра деб аталади. Ҳужра билан масжиднинг фарқиға бормайдиганлар бировларнинг эътиқод эркинлиги устидан ҳукм чиқаришганига нима дейсиз?

### Эл саломатлиги йўлида



**Хоразм вилоят кардиология марказида бир қатор янги тиббиёт анжомлари ишга туширилди. Жумладан, юрак фаолияти ташҳисини қўйиш ва ҳасталиқни даволашда ЭХО кардиографдан фойдаланишмоқда.**

Бугунги кунда энг замонавий қон таҳлили воситаси ҳисобланган иммунофермент анализаторининг келтирилиши нафақат шифокорлар, балки вилоят аҳолисини ҳам хурсанд қилди. Унда бир йўли қон таркибининг қирқдан зиёд таҳлилини тезкорлик билан чиқариш мумкин. У ўткир миокард инфаркти ташҳисини қўйиш ёки касалликни инкор қилишда энг ишонarli текширув воситаси ҳисобланади. Шунингдек, турли юқумли касалликлар, вируслар, тери-таносил касалликларини, ҳомилдорликни аниқлашда муҳим манбадир. Ошқозон-йара касалликлари сабабларини ўрганишда ҳам у шифокорларга ишончли кўмакчи бўла олади.

Баъзан юрак касалликлари тананинг бошқа органлари ҳасталиқлари туғайли юзага келиши мумкин. Хусусан, бўқоқ натижасида юракнинг тез уриши, қон босими кўтарилиб кетиши, ориқлаш каби белгилар кузатилади. Бундай пайтда ҳам янги қон таҳлили воситасида аниқ ташҳис қўйилади.

Тахлиллар илгаригидек

## ШИФОХОНАДА НОЁБ АНЖОМЛАР



бир кун давомида эмас, санокли соатлар, ҳатто даҳикалар ичида ҳам чиқарилади.

Қон таҳлили борасида кат-

та тажриба тўплаган шифокор Отабек Бекчонов, Азатжон Қўлдошева, Гулбахор Машариповалар анализаторнинг барча хусусиятларини

Соғломлаштириш жараёнида тренажёрлар муҳим

конияти туғилгандан хурсанд.

аҳамият касб этади. Шифохона анжомлари янги тренажёрлар билан бойитилди. Реабилитация бўлими ҳамширалари уларда мунтазам равишда чиниктириш муолажаларини ўтказишади.

Тиббиёт ҳодимларини ўқитиш, малакасини ошириш, бўлғуси шифокорларга билим бериш бора-бора билим бериш борасидаги ишлар ҳам изчил олиб борилмоқда. Шифохона мутахассислари янги техника воситаларини бошқариш юзасидан турли тиббиёт муассасаларида, марказларда ўз билим ва тажрибаларини ошириб қайтишди.

— «Ижтимоий ҳимоя йили»да белгиланган тадбирларимиз кўлами кенг, — дейди марказ директори, тиббиёт фанлари номзоди Баҳром Файзуллаев. — Жойларда аҳолини тиббий қуриқдан ўтказиш тадбирларини аллақачон бошлаб юбордик.

Бу ерда 150 га яқин тиббиёт мутахассислари, ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Ҳодимларнинг ижтимоий муҳофазасига ҳам алоҳида эътибор берилади. Уларга моддий ва маънавий, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатиляпти.

Йилни янгиланган ва бойитилган техника воситалари билан бошланган жамоа иш сифати ва самарадорлигини ошириш им-

шакри Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилинган Сиз жаноби олийларнинг илм ва маданиятини ривожлантириш ҳамда ислом цивилизациясини сақлаб қолиш йўлида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларини тўғри равишда баҳолашга, унинг ҳақиқатини танишга ва ислом мамлакатларини томонидан тан олишнинг яққол далили бўла олади» дейилади Мисрдаги машҳур «Ал-Азҳор» мажмуаси шайхи, бош имом Муҳаммад Саййид Тантовийнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга йўллаган табригида.

Агар шу пайтгача Президент номига келган табриklar мазмуни билан танишиб чиқсангиз, бу ишларнинг бошида Ўзбекистон раҳбарининг ўзи турганлиги ҳақон эътироф этаётганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Жумладан, Ислам конференцияси ташкилоти бош котиби, бир қанча давлат ва ҳукумат раҳбарлари, жамоат ва дин арбоблари табрикларида шунга алоҳида урғу берилади.

Бизнингча, бунга сабаб шукки, Ўзбекистонда ислом динининг бутун жаҳонда тутган ўрни ва аҳамиятига тўғри баҳо берилиб, имон-эътиқод қадр топапти. Энг ҳолис баҳони давлатимиз раҳбарининг ўзи берди. Бу баҳо «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берилган интервьюсида таъкидлаб ўтган.

Президент Ислам Каримов «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берилган интервьюсида таъкидлаб ўтган:

«Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берилган интервьюсида шундай ифодаланди: «Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихо ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби — биринчи галда муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка қорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни аждодлардан авлодларга етказишдаги буюк ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Айни пайтда бу ҳолат динимизнинг умумбашарий маданият ва цивилизацияга, илму фан ривожига қўшган буюк ҳиссаси билан ҳам изоҳланади.»

Динни ана шундай даражада қадрлайдиган юртда эътиқод эркинлигига нисбатан шубҳа бўлиши мумкинми? Умуман, эътиқод эркинлигини даражада ва бунда биров бошқа бировнинг устидан ҳукм чиқариши мумкин эмас. Нафақат давлатлар ва халқлар ўртасида, балки ҳар бир инсон устидан ҳам ҳукм чиқариб бўлмайди. Ҳар биримиз қай даражада эътиқод қилишим — бу фақат Оллоҳга маълум. Парвардигор ҳаммасини қўриб-билиб турибди. Илоё, ҳар бир динияти инсонга, аввало, сохта ҳакамларга инсоф берсин!

**Иброҳим НОРМАТОВ,**  
**«Туркистон-пресс»**

## ЭЪТИҚОДДА ЭРКИНЛИК БОРМИ?

**Бор. Ҳар қандай инсон ўзи хоҳлаган динга эътиқод қилиши мумкин. Унга шу динни қабул қилсан, деб мажбурлаб бўлмайди. Бирок эътиқод ақл-идрок билан боғлиқ бўлиб, ҳеч бир инсон иймон-эътиқод йўлини танлашда, аввало, авлод-аждодига ва ота-онасига, қолаверса, миллати ва элзатига хиёнат қилмаслиги керак. Агар ота бошқа ва она бошқа диндаги инсонлар бўлишса, фарзанд ота авлоди эътиқодининг давомийлигини таъминлагани маъқул. Аке холда инсон ўзининг кимлигини унутиб, эътиқод нималлигини тушунмай, ўзининг маймундан тарқалганлигига ишониб юраверади.**

эътиқод эркинлиги ниқоби остида турли оқимлар ва қарашларга йўл берилаётган бўлса, ўша ерда уруш-жанжал ва низо авж олаёпти, жамиятда бўлиниш ва парокчилик юзага келаяпти, бунинг жабрини эса оддий халқ тортапти. Энг ёмони, мусулмон мусулмоннинг қонини тўқаяпти. Фаразли мақсадини қўзлаган ташки қучлар эса бундан усталик билан фойдаланмоқдалар. Бунинг дунё турли минтақаларида, айрим мусулмон мамлакатларида юзага келган ҳолатлар мисолида кўриб турибмиз.

Майли, ташқаридан бўладими ёки ўз ичимиздан бўладими, Ўзбекистонда эътиқод эркинлигининг даражасини баҳолайман, деган одам масжидларга ва мад-расаларга, зиёратгоҳларга ва бошқа муқаддас қадимжоларга борсин, қишлоқ ва маҳаллалардаги диний маросимларда қатнашсин, турли даражадаги диний тадбирларда кўтарилаётган масалаларнинг моҳиятини англаб етсин, сўнгра ивжидон билан ҳулоса чиқарсин. Бу борада ҳар қан-

нидек, муқаддас ислом динимизда ниқок сақлаш, уни турли хил фаразли хуруж ва хамлалардан, тўхмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, аввало, бунинг моҳиятини униб-ўсиб келаятган ёш авлодимизга тўғри тушуштириш, ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Давлатимиз раҳбари бу борада баъз имомвий ахборот воситалари ҳодимлари зиммасига ҳам вазифалар юклади.

Бизнинг вазифамиз бор ҳақиқатни ёзиш. Асосий ҳақиқат шукки, бундан атиги ўн беш йил олдин бугун биз мақбараларини таъмирлаётган, таваллудларини гининг даражасини баҳолайман, деган одам масжидларга ва мад-расаларга, зиёратгоҳларга ва бошқа муқаддас қадимжоларга борсин, қишлоқ ва маҳаллалардаги диний маросимларда қатнашсин, турли даражадаги диний тадбирларда кўтарилаётган масалаларнинг моҳиятини англаб етсин, сўнгра ивжидон билан ҳулоса чиқарсин. Бу борада ҳар қан-

# Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси



*Мамлакатимиз, аҳолисини  
үйсони, янашун ва оғзу-умидлар  
раиси бўлган Кавриж байрами  
билан самимий тадбирлардан.  
Табрига мингмин-сонларкамлик,  
сизан-саломатлик тилаймиз.  
Бошиқарма тақарруфидга фаолият  
қилмаётган шифобахш табиий  
ишун, марданли сувлар ва бағри  
даволаш имкониятларига эга бўлган  
санаторий-курорт муассасаларидан  
даволашни ҳамда дам олишга  
Сизларни қўлаймиз!*



**Байдарка ва каноэда эшак эшиш, академик эшак эшиш... Ўзбекистон гарчи уммонларга туташ бўлмаса-да, юртимизда спортнинг бу турлари яхши ривожланган. Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV Осий ўйинларида академик эшак эшиш бўйича Севара ва Зарина Ғаниева, Руслан Наурузлиев, Владимир Черненко, байдарка ва каноэда эшак эшишда эса Юлия Борзова, Сергей Борзов, Максим Кириков, Алексей Бобошов, Вадим Меньков, Серик Меирбеков ва Герасим Кочневлар голиблар қаторидан ўрин олишди. Яна бир қувончли томони, юқоридаги музаффар спортчиларнинг кўпчилиги касба уюшмалари спортчилари саналишади. Ўзбекистон байдарка ва каноэда эшак эшиш терма жамоаси (устози Вячеслав Йүлдошев — 2006 йилнинг энг яхши мураббийи) XV Осий ўйинларида иккита олтин, тўрт кумуш ва иккита бронза медаллари соҳиби бўлишди. Бугунги қахрамонларимиз Сергей Борзов ва Алексей Бобошов эса байдаркада эшак эшиш бўйича энг кучли спортчилардан, Жаҳон чемпиони ва Кубоги, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари, Осийнинг бир неча карра чемпиони... Эслатиб ўтамиз, XV Осий ўйинларида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Сергей Борзов 500 метр — яққалик, Алексей Бобошов 1000 метр — яққалик, шунингдек, иккаласи 500 метр — иккилик мусобақаларида кумуш медалларни бизга тўхфа этишган.**

**— Қачондан бери бирга қайиқда ҳаракатланасиз?**  
**Алексей:**

— Биз ўзимизни илк бор 2001 йилдан бошлаб синиб кўргандик. Ҳақиқий, чинакамга бирлашувимиз эса 2004 йил «Тўртлиқ» мусобақаларида бўлган. «Экипаж»да иккимиздан ташқари яна Антон Ряхов ва Дмитрий Стрижковлар ҳам бор эди.

2004 йил Афинада ўтган Олимпиада баҳсларида Сергей Борзов билан «иккилик» мусобақасида қатнашдик.

**Сергей:**

— «Яққалик» баҳсларида Антон Ряховдек кучли спортчимиз борлиги туфайли биз асосан жамоавий мусобақаларда қатнашдик. 2002 йил Пусанда ўтган Осий ўйинлари «Тўртлиқ» баҳсларида бронза медалларига эришдик. Аммо 2004 йил Осий — Тинч океани минтақасида, Афина Олимпиадаси йўлланмалари учун ўтган мусобақанинг голибига айланганимиз ўзимизга бўлган ишончимизни оширди.

**— Осий ўйинларида қандай ҳозирлик кўрдизиз?**

**Сергей:**

— Эшак эшишда куч ва қаққонлик талаб қилинади. Ватандошларимиз биздан Осий ўйинларида медаллар қуттишарди ва биз шунга яраша тайёргарлик кўрдик. Кўп вақтимизни асосий машғулот базамиз ҳисобланган «Тошкент денгизи»да ўтказдик. Бир ой Европада, аниқроқ айтадиган бўлсам, Польшада бўлдик. Польша терма жамоаси билан биргаликда машғулотлар ўтказдик. Таъкидлаш ўринлики, польшалықлар таркибиде жаҳон чемпиони ҳам бор...

**Алексей:**

— 2006 йил бошида жаҳон кубогининг иккита босқич мусобақасида иштирок этдик. Венгрияда ўтган жаҳон чемпионатида қатнашдик. Натижаларимиз ёмон бўлмади. Умуман олганда, биз Сергей иккаламиз Ўзбекистон чемпионати ва кубоги баҳсларида, «яққалик» мусобақасида пешқадамлар сирасига киримиз. Мен 2000 метр, Сергей эса 500 метр масофада. Булар — Олимпиада масофаларига қиради.

**— Сизлар дўстмисиз ёки рақиблармисиз?**

**Сергей:**

— Ҳаётда дўстмиз. «Яққалик»да мусобақалашсак, рақиблармиз. Айниқса, бу йирик, нуфузли мусобақаларда саралаш ўтказилаётганда яққол қўришсак, фақат бир нарсани, рақибни қувиб ўтшини ўйлаймиз. Узоқ танаффусдан кейин қайиққа бирига ўтирган чоғимизда ҳам бир-биримизни сўзсиз тушунамиз.

Агар сен «яққалик»да кучли бўлсанг, «иккилик»да ёмон бўлмайсан. Жаҳондаги барча жамоавий эшак эшувчилар, улар «иккилик»да қатнашадими, «тўртлиқ»да, тайёргарликни «яққалик»да олиб боришди. Чунки «яққалик»да эшак эшувчини тайёрлаш «тўртлиқ»ка қараганда қийинроқ.

**— Нега Осий ўйинларида олтин медалга эриша олмадик, деб ўйлайсиз?**

**Алексей:**

— Кўплар шу саволни бериш-

ди. Мен олтин медални кўлга киритган хитойлик спортчидан бор-йўғи икки сонияга орта қолдим...

**Сергей:**

— Спортда икки сония фарқ анча кўп ҳисобланади. Масалан, мен 500 метр масофага эшак эшишда хитойликдан 0,8 сония кейин маррани кесиб ўтдим. Лекин бу ҳам кўп вақтга ўтади.

Хитойлик спортчилар жуда яхши тайёргарликка эга. Агар биз йилдан йилга бир текис натижалар кайд этаётган бўлсак, Хитой, Япония, Жанубий Корея вакиллари-нинг натижалари жадал ўсяпти.

**— Жуфтлик баҳсларида ҳам**

**Сергей:**

— Аммо шунда ҳам улар мусобақа дастурини қисқартиришди. Яъни, «тўртлиқ» баҳсларини олиб ташлашди. Бизда эса «тўртлиқ»да ахойиб таркиб шаклланди. Мен, Алексей, Данил Турчин ва Михаил Тарасов. Биз мусобақани орзиқиб қутаётандик. Аммо бу сарф — «тўртлиқ» баҳслари бўлмади.

**— Бўлганда, олтин медалга эришармидиз?**

**Сергей:**

— Уйламанки, ҳа.  
— **Қатарга қайиқларни ўзингиз олиб бордингизми?**

**Сергей:**

# ДЕНГИЗНИ ЖИЛОВЛАГАНЛАР



**натижаларингиз кумуш бўлди...**

**Алексей:**

— Ҳа, 500 метрга жуфтликда эшак эшиш бўйича Қозоғистон спортчилари Дмитрий Торлобов ва Дмитрий Кальтенбергер «тандем»дан озгина орта қолдик. Улар — ўз ишининг устаси, 1992 йилдан буён бир қайиқда галаба учун ҳамжихат курашадилар. 11 марта Осий чемпиони ва тўрт карра Осий ўйинлари голиби бўлишган. Улар «иккилик»да ва бир хил масофада «стартга» чиқадилар. Биз иккимиз эса тўрт хил масофада қатнашамиз.

**Сергей:**

— Бу бизнинг яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлганимиздан ҳам даллат беради.

**— Доҳада эшак эшиш ҳавзаси қандай экан?**

**Сергей:**

— «Даҳшатли» сувда пойга қилишга тўғри келди. Тўқтинлар, бунинг устига сув шўр...

Умуман, XV Осий ўйинларида эшак эшиш мусобақаларининг бўлиши савол остида эди. Чунки Қатарда эшак эшиш спорт турлари умуман ривожланмаган. Шунинг учун улар эшак эшиш мусобақаларини қабул қилмаслики хошлашди.

**Алексей:**

— Албатта, бундай қилиш но-тўғри бўларди. Ахир, мусобақа — Осий ўйинлари бўлса, бунинг устига эшак эшиш Олимпиада спорт турларига қиради. Қатар эшак эшиш спорт турини ҳам қабул қилишга мажбур бўлди.

— Аслида, бизни қайиқ билан таъминлашди. Бироқ мен Португалияда «Нело» фирмасида ишлаб чиқарилган ўз қайиқимни олиб бордим. Жаҳондаги қўлчилик етакчи эшак эшувчилар айнан шу моделдаги қайиқда ҳаракатланяшди.

Бундан ташқари, мен ва синглим Юлия Борзованинг Осий ўйинларидаги муваффақиятимиздан сўнг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги бизга янада сифатли, замонавий талабларга жавоб берадиган иккита «Нело» яққалик қайиқларини ҳадя этишди.

**— Бугунги ҳафтада эшак эшиш бўйича жаҳонда қайси давлатлар етакчи ҳисобланяшди?**

**Сергей:**

— Венгрия, немислар, шведлар, норвегияликлар...

**Алексей:**

— Бу давлатларнинг ҳар бирида Олимпиада чемпиони бор.

**— Бунинг асосий сабаби**

**Сўнги сўз:**

Алексей Бобошов 28, Сергей Борзов эса 26 ёшда. Шу ерда қўшимча қилиш ўринлики, эшак эшишда катта ёшлиларнинг галабаси эришишига одатий ҳол, деб қаралади.

Масалан, ҳозирги 200 метр, «тўртлиқ» баҳсларида жаҳон чемпиони бўлган бири, чехиялик спортчининг ёши 50 да.

Демак, ватандошларимизнинг шонли галабалари ҳали олдинда. Улар айна чоғда бу йил ўтадиган жаҳон кубогининг босқич ва финал баҳсларига жиддий ҳозирлик кўришмоқда.

Ақмал АБДИЕВ тайёрлади

## ИФТИХОР

нима?

**Сергей:** — Биринчидан, бу тайёргарлик тизими, иккинчидан, улардаги спортчилар захирасига боғлиқ.

**Алексей:**

— Масалан, улардан жаҳон чемпиони чиқди, дейлик. Кейинги йил эса бутунлай бошқа спортчини курашимиз. Аммо у ҳам олдинги спортчидан зиёд бўлса бўладики, кам бўлмайди.

**Сергей:**

— Венгрияда мисол учун, эшак эшиш биринчи рақамли спорт тури. Ҳатто футболдан ҳам баланд. У ерда эшак эшиш спорт турлари нефт компаниялари ҳомийлик қилади. Жаҳон чемпионатини ҳам байрамона ташкил этишади. Бутун халқ келади, десам муболага эмас. Бунақа мусобақа бошқа ҳеч қарерда ўтмайди. Венгрияда эшак эшишчиларга миллий қахрамонлар даражасида қарашади. Барча танийди.

**— Сиз ўзингизни ҳақиқий профессионал, деб ҳисоблайсизми?**

**Сергей:**

— Албатта. Чунки бу нафақат спорт, балки бизнинг ишимиз ҳам. Мен Чирчиқ Олимпия захиралари коллежини тугатганман. Коллеж раҳбарияти (директори Эркин Юсупов) эшак эшиш спорт тури бўлими ишларига катта ёрдам кўрсатмоқда.

**Алексей:**

— Инсон спортга, ўз ишига қанчалик чин дилдан ёндошса, бу — профессионалликдир.

**— Мураббийларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз...**

**Сергей:**

— Барча ютуқларимда биринчи мураббийим Вячеслав Шубин ва терма жамоа устози Вячеслав Йүлдошевларнинг хизмати катта.

**Алексей:**

— Мен Сергей Конииченко кўлида шугулланишни бошлагандим. Ҳозир эса Александр Пономарёвдан байдаркада эшак эшиш сирларини ўрганялман.

**— Қайиқда ким бош «роль»ни бажаради?**

**Сергей:**

— Эшак эшишда олдинда ўтирган спортчи бош ҳисобланади. Чунки у «руль»ни бошқаради. Масофа-ни қандай босиб ўтшини ҳал қилади. Бизнинг «иккилик» қайиқимизда бу вазифани мен бажараман.

**Алексей:**

— Мен доимо Сергейнинг ортида ўтираман. Унинг айтганига қараб ҳаракат қиламан. Агар кўзланган натижа кайд этилмаса, барча таёқ боқарувчининг «Бошида синида» (қулади).

**— Шахсий ҳаётингиз ҳақида ҳам гапирсангиз.**

**Сергей:**

— Уйланганман. Рафикам Елена ҳам совик байдаркачи. Ҳозир мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс беради. Биз биргаликда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатганмиз. У ярим ёшли Георгий исми ўғлимиз бор. Албатта, қачонки бўш вақтим бўлса, уни оилам билан ўтказиш ҳаракат қиламан.

**Алексей:**

— Мен эса ҳали уйланганим йўқ. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини битирганман. Ҳарбий соҳада ишлайман.

# ПАТРОНАТ НИМА?

**Савол: болаларни оилага тарбияга олиш ҳақида тушунча берингиз?**

**Жавоб:**

болаларни оилага тарбияга бериш (олиш) тушунчасини патронат, тутинган оила деб ҳам аташади. Мазкур тушунча оила ҳуқуқининг институтларидан бири ҳисобланиб, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакли сифатида қаралади. Одатда ота-она вафот этганда, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, уларнинг ота-оналик ҳуқуқи чекланганда, ота-она муомалага лаёқатсиз деб топилганда, касал бўлганда, узоқ муддат бўлмаганда, ота-она болаларини тарбиялашдан бўйин товлаганда, боласини тарбиялаш, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидан олишдан бош тортганда болаларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан муҳофаза этилиб, васий ёки ҳомий белгилади, фарзандликка берилади, оилага тарбияга бериш масаласини ҳал қилади ёки давлат муассасаларига жойлаштирилади. Оила тарбияга олиш Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 22-боби билан тартибга солиниб, болаларни оилага тарбияга олиш келишув асосида амалга оширилиб, у васийлик ва ҳомийлик органлари билан тутинган ота-она ўртасида тузилади. Ҳар қандай ота-она ҳам тутинган ота-она бўлавермайди. Чунки, қуйидагилар бундай ҳуқуққа эга бўлмайди:

— илгари фарзандликка олган, лекин қонунда белгиланган асослар бўйича фарзандликка олиш бекор қилинган бўлса;

— қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

— соғлигининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар;

— тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилди.

Оилага тарбияга берилган болалар

— ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларини олиш;

— уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш;

— уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қолади;

Оилага тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан қуриши ҳуқуқига эгадир.

Улар ўртасида келишув тузилишидан олдин болани тарбияга олаётган шахсининг турмуш шарт-шароитлари ва оила аъзоларининг соғлиги текширилади. Болаларни оилага тарбияга беришда васийлик ва ҳомийлик органлари уларга бир йўла кийим-бош ва пойабзал беради, болани тарбияга олган шахсга эса, оилага тарбияга олинган боланинг таъминоти учун қонунда белгиланган миқдорда ҳар ойла нафақа тўлаб турилади. Бундай келишувни бекор қилишга оид низолар суд тартибиде ҳал қилинади.

**Замира ЭСОНОВА,**

**ТДЮИ ўқитувчиси**

## ГУЛ ВА ОДАТЛАР

**Баҳор ёмғирларидан кейин кўқариб очиладиган гулни бундан 2-3 минг йил илгари гунонлар Сунбул (гиацинт) деб аташган. Юнонистонда ҳар йили баҳорда уч қунгача сунбул байрами ўтказиш расм бўлганда.**

Қадимги юнон эртакларида сунбул қайғу-ҳасрат гули деб талқин этилган. Бунинг сабаби шундай экан: Сунбул ўша вақтларда ўтказилган спорт мусобақаларидан бирида ҳалок бўлган Гиацинт исми бир йигитнинг қонидан уни чиққани учун унинг номи ҳам «Гиацинт» деб аталиб кетган эмши.

Гулга сизгиниш одатини юнон мустамлақачилари Римга ҳам олиб келган. Рим республикаси даврида гул юксак ахлоқ рамзи ҳисобланган. Кейинчалик эса зёб-зийнат ҳашамига айланиб қолган. Император ва содагонлар гўлчамбарларга ўралиб юришган, гул сувига чўмилишган. Африқадан келтирилган гуллар камлик қилганидан Италиядаги барча бугдойзорлар ўрнига гул экиб, мамлакатни бугдойсиз қолдиришган.

Махшур италиян танқидчиси Камолли тавшишланганидан «мисриқлар, бизга бугдой юборинглар, бизлар бунинг эвазига гул юборамиз» деган истеҳзоли ибора билан ўз газабини изҳор қилган экан.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

Настил рубероидов и ламинатов, ковроланов с материаллари.  
Ф/о любая.  
Тел: 340 99 37.

## Овчи ҳикояларидан

зор орасида чўнкайиб ўтирган она бурига кўзи тушиб қолди. Вақт ганимат, фурсатни бой бермаслик керак. Лекин у нишонга оларкан, негадир йирткининг ваҳоҳатидан қўли қалтираб шошиб қолди. Телки босилгач йиртки ўзини жарга ташлади. Кейин овчи унинг қон излари бўйлаб боришга аҳд қилди. Овчи терак бўйи келадиган чўқуриқдаги жарнинг тор жойидан ўтаётганида жардор йирткига дуч келди. Махлўқ эгар узангиси аралаш унинг оёқ панжаларини тишлаб-чайнаб олишга улгурган эди. У оёғидан қон сизиб оқишига қарамай эпчиллик билан аргумоғини елдириб қутулиб қолди.

Орадан ун қун ўтиб Суюн овчи чакиртикан, жингил ва янтоқларнинг өтилганини ҳисобга олиб өлгизөөк йўларга бир неча қопқон ўрнатди. Туналарни бедор ўтказди. Ана шундай туналарнинг бириси кўндан тўтқиб бермай келаятган өвүз йирткич тузоққа илинди.

Өлгиз она бүри табиатнинг латофати ва гўзаллиги, осмоннинг мусоффо ва бегуборлиги ҳамда юлдузларнинг чарқалаб туришига қараб узоқ тиклаларкан, беихтиёр ўтган ўн беш йиллик кайноқ ҳаёт йиллини бир-бир эслади. Уз тудасига қайтиб ана улар сафиде юрши истаги ҳам йўқ эмасди. На чора? Бунинг илоҳи йўқ. Вақт ўтган сайин қун-қувватдан қолди, танаси бир парча этга айланиб қолганди. Лекин назариде ҳаёт

Бир-бирига туташ баланд, осмонлар Нарвон ва Кўйтош тоғлари оралиқларини макон қилиб олган айёр ва тутқибермас йирткич бурларнинг ҳаёт тарзи оғир ва бешафқат кечарди. Улар ўн беш чоғли бўлиб, хавф-хатарларни биргаликда бартараф этишар, айниқса, тўдада она бүри бўлганда янада жангариллашиб кетишарди.

«Бир бүри бутун тўда учун, бутун тўда бир бүри учун» ибораси ҳеч муболағасиз ана шу йирткичлар галасига нисбатан айтинглар. Негаки, улар ўз худудларини белгилаб олиш ва едиларини бўладиган курашларда ўта кучли, олшир ва таърибалигидеги билан бошқа тўрт оёқли мавжудотлардан ажралиб туради. Тўтқунликка асло тоқталар йўқ, доим эркин ва озод юришини ҳуш қўришади.

«Бурини оёқлари озиқлантиради», дейишади кекса овчилар. Бу бор ҳақиқат. Тиниб-тинчимас, бақувват ва узун оёқлари билан қувватини тежаб, ўзини кўп уринтирмай, майда-майда қадамлар ташлаб бир кеча-кундузда саксон чакирингача масофани босиб ўта олади. Оқшомлари салқинда тик довлонлар оша, тўқай ва қамишзорлар оралаб, адвосиз тақир далавларни кезишининг ўзи бўлмайди. Уларга аёзли ачиқ совуқ ҳам писандимас. Панжаларининг кенглигиндан қалин қорларда ҳам ботмайди, гавдаси иччам. Овчилар уларнинг ўта хушёр, олсидан туриб ҳам эшита олиши ва кўра биллиш хусусиятларига эга эканлигининг кўп бор гувоҳи бўлишган. Энг муҳими, «овда» уларга ягона қуролли-утқир тишлари иш беради.

Бир вақтлар ёш, қўрқам ва фу-

қункор бўлган она бүри елиб-югуриб сира чарчамас, куч-қуввати ҳам шунга яраша эди. У буриваччаларнинг узоқ давом этадиган болалик даври нишонига етиб улгайғунларича қандадан-қанда бало-қазоларни бошидан ўтказмади. Буриваччаларга теварак-атрофдаги бошқа тўрт оёқли мавжудотлар ҳавас билан боққиси ҳам беҳиз эмас. Бир сўз билан айтганда, она бүрининг қайноқ ва беҳоловат кенган ҳаёт йўли ўз тудасига ибратдир. Шунинг учун ҳам бурилар тудаси унга сўзсиз итоат қилишади.

Она бүри бора-бора куч-қувватдан қолди тўдага қўқ ёлдор етакчилик қила бошлади. У қўри-нишдан сипо эмас, хурпайган ва ваҳоҳатли эди. Рақиблари билан бўладиган олишувларда бардошли, вазмин, сабр-тоқатли ва доим ақл билан иш тутарди. Бу ҳислатлар унга онасидан ўтган. Уз тудасига хусумати бўлмаса-да, ҳар доим қатъиятли ва кескин муносабатда бўлар, ҳатто кичик хатоликларга йўл қўйганларни ҳам жазосиз қолдирмасди. Шунинг учун она бүри улар сафиде тинч ва хотиржам яшаб келарди.

Бир неча кунлик ёқдан қалин қор тоғларга ўзгача тароват ва гўзаллик бахш этган. Бу сўлим жушада хайвонот оламнинг жушқин ҳаётини кузатиш мумкин. Яланглик узга муздек шамол эс-моқда.

Тун яримлариде бурилар олсидан сафар талорининг кўра бошлашди. «Ов» улар учун шунчаки қўнғил оқиш эмас, балки ҳаёт манбаидир. Улға ўз-ўзидан осмондан тушмайди.

Кўк юзини бирдан булут қоплаб, ойнинг хира шуъласида атроф зим-зий бўлиб қолди. Шамол кучайиб, қутилмаганда жала қўқ бошлади. Йирткичлар сафи бўзилиб, охири ҳар тарафга тарқалиб кетишди. Яхшики қўқ ёлдор бор, уларни бир жойга тўплашда таърибсиз қўқ келди. Она бүри эса анча ортада қолди кетганди. Уни очлик ва йўл азоби қийнар, ҳолсизланиб тамоман мадори куриб борарди. Лекин барибир ўз тудасини топиб келди. Шу тун омад юз ўғириб, уларнинг «ов»и бағридан келмади.

Вақт ўтган сайин она бүри қу-қувватдан қолди, өлгиз тоғ ора-

биат яшнаб ч